
ФАРГОНАДА “ЯНГИ НАФАС” ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ КҮТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ЎТКАЗИЛДИ

Бугун республикамизнинг барча худудларида бўлгани каби Фарғонада ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишиланган “Янги нафас” оммавий югуриш мусобақаси бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят Ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаси, вилоят ички ишлар бошқармаси, Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги ҳамда бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорлигига ташкил этилган мусобақада ёшлар, кексалар ҳамда жисмоний имконияти чекланган шахслар қатнашди.

Мусобақа иштирокчилари Фарғона шаҳрининг Аҳмад Фарғоний кўчасидан Ислом Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройигача бўлган З километрли масофани босиб ўтдилар.

Вилоят театр ва концерт саройи олд саҳнасида мусобақа ғолиблари ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Тақдирлаш маросимида вилоят ҳокимининг ўринbosари Файзуллажон Қосимов иштирок этди.

Мусобақанинг якуни билан, хаваскорлар ўртасида Темурбек Абдулазизов, қизлардан Асал Каримова 1-ўринни эгаллади.

Профессионал спортчилар ўртасида 1-ўринга Рухшод Маъмуроғина, қизлар орасидан Сабоҳат Самижонова муносиб кўрилди.

Жисмоний имконияти чекланган шахслар ўртасида Хасанбой Зокиров, қизлардан Мухлиса Маҳмудова ғолибликни қўлга киритди.

Худойберди Абдушукуров мусобақанинг энг ёш иштирокчиси, Хасанбой Алифшаев эса мусобақанинг энг ёши улуғ иштирокчиси деб топилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсадалик совғалар топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-19 15:24:57